



44  
(1362)-son  
2-noyabr  
2018

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEKNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSİYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan [www.xabar.uz](http://www.xabar.uz)

## УШБУ СОНДА:

### ХАВФИЗ ШАҲАР

АКТ вазири Siemens компанияси вице-президенти билан учрашди 2-бет

### МИЛЛИЙ КОНТЕНТ

Интернет хавфизлиги, иммунитет 3-бет

### БИТВА РОБОТОВ

Как прошел первый в Узбекистане чемпионат по робототехнике 6-бет

### ҲОКИМИЯТ ВА БОШҚАРУВ

Тадбиркорни "эмаклаташ" қачонгача? 11-бет

### ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР

Twitter "лайк"дан воз кечмоқчи 12-бет

### НАТО ҲАРАКАТГА ТУШДИ

Алянси совуқ уруш тугагидан бўён энг ийир ҳарбий машғулотга киришиди 13-бет

### МУТОЛАА

Ленчонинг илтимоси (ҳажвия) 14-бет

### ЎЗБЕКИСТОНДА ЯИМ ҲАҶМИ ЎСДИ

2018 йилнинг январ – сентябрида ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳаҷми жорий нархларда 244 343,7 МЛРД.

сўмиин ташкил этиди.  
2017 йилнинг мос даврига нисбатан ўзиш – 5,2 ФОИЗ.

Маъба: Давлат статистика қўмитаси

## МАЪРИФАТМИ ёки ГУММА?

Ошхона ва дорижоналар соясида  
қолиб кетаётган матбуот дўконлари

• МАТВИОТ •



**Б**логерларимиз турили сайларда ишлаб ўтган ҳамкасларимиз томонидан обуна машмашалари, даврий нашрларнинг даври аллакачон ўтиб бўлгани хусусидаги чиқишлар учритандан урчиб турган бир пайдада бунгун мавзуни қаламга олиш уларнинг андак жигига тегиши табиий. Аммо,

калтакнинг иккинчи учини ҳам унутмаслик керак. Яъни, даврий нашрларга обуна масаласи, бу – маърифат масаласидир. Одамларни, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни маърифатга ундовчи саъй-ҳаракатларни илгор фикрловчи кишилар тўғри қабул қилишса керак, назаримизда.

"Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясининг савдо бўйича директори Даурон САФАРОВ билан бутунги сұхбатимизде бу соҳада амалга оширилётган ишлар, йиғилиб қолган муаммолар ва уларнинг очимларини очиқлашга ҳаракат қилдик.

8-9-бетлар ►

### ИФТИХОР

## ТАТУ ТАЛАБАСИ ҲАЛҚАРО ОЛИМПИАДАДА ОЛТИН МЕДАЛНИ ҚУЛГА КИРИТДИ



Урганч шаҳрида 29-30 октябр кунлари университетлар талабалари ўртасида математика бўйича Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ҳалқаро олимпиада ўтказили.

Мазкур олимпиаданинг ўтказиши 2017 йилнинг сентябринда Остона шаҳрида бўлиб ўтган Ислом Ҳамкорлик Ташкилотининг илм-фан ва технологияларга доир биринчи саммитида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан билдирилган эди.

Олимпиаданинг асосий мақсад ва вазифалари қобили-

ятли ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириши, рабтаглантириш, фундаментал фанлар билан шугувланишиша жалб қилиш, талабалар орасида илмий-тадқиқот фволиятига бўлган қизиқишларни аниқлаша ва ривожлантириш, турли мамлакатлар талабалари ўртасида ҳалқаро ҳамкорлик шакслари ва маданий алоқаларни кенгайтириш, шунингдек, буюк олим Мухаммад ал-Хоразмийнинг бой меросини оммалаштиришдан иборат.

Олимпиадада дунёнинг 20 мамлакати (БАА, Эрон, Ма-

лайзия, Россия, Болгария, Эстония, Словения, Украина, Беларус, катар Осиё ва Марказий Осиё мамлакатлари) 58 университетидан 334 нафар киши иштирок этди. Ўзбекистон шарафини мамлакатнинг 33 олий таъымин мусассасаси талабалари ҳимоя қилиши.

Олимпиада низомига кўра, иштирокчиларга алгебра, математик таҳдид, геометрия, комбинаторика йўналишларига оид бешта математик масалалар ва уларни ечиш учун беш соат вақт берилди.

3-бет ►



# ТАТУ ТАЛАБАСИ ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДАДА ОЛТИН МЕДАЛНИ ҚҰЛГА КИРИТДИ

◀ 1-бет.

**Беллашув  
ғолиблари олий  
таълим мусасса-  
салари магистра-  
турасига матема-  
тика, физика,  
ахборот технологиялари ҳамда  
мұхандислик-  
техник йұна-  
лиштадағы таълим  
ихтиосолиги  
бүйіншікабул  
квотасидан  
ташқари, давлат  
гранти асосида  
ұқишиңа қабул  
қилинади.**


Талабаларнинг билимлари 20 кишидан иборат ҳайтат томонидан баҳоланды, уларнинг 18 нафари хорижий мутахассислардан иборат бўлди.

Олимпиада якуний натижаларига кўра, 66 иштирокчи турли медаллар билан тақдирланди — 14 олтин, 23 кумуш ва 29 бронза.

Құлга киритилган медаллар бўйича умумжамоа ҳисобида биринчи ўринин Хитойнинг Пекин университети, иккинчи ўринин Ўзбекистон Миллий университети ва учинчи ўринин Эстониянинг Тарту университети эталлари. 30 университет вакиллари турли даражадаги медаллар билан тақдирланниши.

Кувонарли жиҳати, ушбу олимпиадада қатнашган ТАТУ дастурий инженеринг факультети 314-16-гурӯх тала-баси Xуршид Жўраев олтин медалнан құлга киритди.

Олимпиада низомига мувафиқ, беллашув ғолиблари



олий таълим мусассалари магистратурасига математика, физика, ахборот технологиялари ҳамда мұхандислик-техник йұналиштадағы таълим ихтиосолиги бүйіншікабул квотасидан ташқари, давлат

гранти асосида ұқишиңа қабул қилинади. Ушбу ҳуқуқ олимпиада ғолиблариниң құлга киритилган талаба томонидан ОТМ бакалавриятини тугаллаган вақтдан бошлаб уч йил давомида сақланиб қолинади.

Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги Иккинчи халқа-ро олимпиада 2020 йилнинг октабр ойи учинчи декадасида Урганч шаҳрида ўтказилиши режалаштирилмоқда.

## МИЛЛИЙ КОНТЕНТ

### ИНТЕРНЕТ ХАВФСИЗЛИГИ, ИММУНИТЕТ, МИЛЛИЙ КОНТЕНТ

**И**нсоният тарихида XXI аср ўзига хос янгиланишлар, инқилюй ўзғарышлар билан бир қаторда мағфуравий курашлар билан ҳам из қолдирмоқда. Буғун ахбороларнинг тез алмашынуви ривожланишимиз, билим ва кўнгикмаларимиз янада ошишига ижобий тасир этиши айни ҳақиқат, бироқ инсон қалби ва онгинни эгаллаштырулган ҳарқататар ҳам бундан суст эмас.

Яқин Шарқ, Европа ёки дунёнинг бошқа нукталаридан содир бўлаётган ҳуңрезликлардан ҳам аёнки, бугун курол кучи билан эришиб бўлмайдиган мақсадларга ахборот воситалари орқали эриши мумкин бўлиб қолди.

Дунёни бузишга ҳаракат қилаётган ёзув қувлар аввали ёшларнинг оңг-шуурини эгалла, уларнинг ақли ҳис-туйгуларига эгаллиқ қилишни ва шу орқали улар миллий маънавиятимизни емиришни, хуллас, жамиятни бошқаришини асосий мақсад қилишгани тобора ойдинлашмоқда. Бу жараба, афсуски, ахборот хизматлари, интернет, ижтимоий тармоқлар дастлаб бўялпти.

Биз буни мигрант сифатида чет элларга чиқиб кетиб,

гаразли мақсадларни кўзлашган ақидапарастлар тўрига тушиб, манқуртга айланиб, оқибатда ўз ота-онаси, Ватанига хиёнат қилаётган ёки интернетдаги ҳар хил ўйнлар гирдобида қолиб, ўз умрига нуқта қўяётган ёки ижтимоий тармоқлардаги айрим ҳолатларга тақдид қилиб бугун панжара ортида ўтирган ёшлар мисолида кўришимиз мумкин.

Иммунитет инсон қалбida жуда кўп йўллар билан пайдо қилинади. Лекин бугун, айни ўналишда интернет асосий ўринларнинг бирини эгаллаши, шубҳасиз. Тўғри, интернет таромогида миллий тилимизда биз учун зарур маълумотлар ўтган йилларга қараганда анча бойитиди. Лекин ҳозирда талаба-ёшларнинг ахборотлардан фойдаланиши жараёнларига эътибор берсан, уларнинг кўпчилиги излаган ахборотни топа олмай рус ва бошқа тиллардан олиб, кейин ўз она тилига таржима килаётганликларининг гувоҳи бўламиз. Афсуски, биз юқорида таъкидлаётган турли “оммавий маданият” кўрнишишдаги сайтлар ҳам айни шу тилларда, турли форматларда берилиган.

Нима қилиш керак? Албатта, миллий контентни ривожлантириш тақозо этилади: ўзбек ва қорақалпоқ тилларидан миллий руҳ, миллий қадриятларимиз ўфуриб турган сайтларни янада кўпайтиришимиз зарур, бу сайтларнинг ташқи дизайн-безларни инсонни бир қарашда ўзига тортадиган бўлиши ҳамда катта ҳажмли илмий-бадий адабиётлар ва маълумотлар билан бойитилиши мақсадда мувофиқ.

Фикримча, бу ишларни амалга оширишда биринчи галда, бевосита ахборот технологиялари билан доимий шугулланувчи олий таълим профессор-ўқитувчилари ҳамда талабаларнинг билими ва иқтидорига таянилиши керак. Албатта, муносиб кўллаб-куватлов зарур. Қачонки бу ўналишда ўзимизни кўрсата олсаккина, ўйлайманки, Президенттимиз таъкидлаганидек, мамлакатимиз ишонган ва суюнган кадрларга айланамиз.

**Нодирбек АЙИТБАЕВ,  
Мұхаммад ал-Хоразмий  
номидаги Тошкент ахборот  
технологиялари  
университети Нұкис  
филиали 1-босқич талабаси**

## ҲАМКОРЛИК

### САМАРҚАНДДА СТАРТАП ТАШАББУСЛАРИ

**К**уни кече ТАТУ Са-марқанд филиалига Корея ахборот жамиятини ривожлантириш институти-нинг (KISDI) халқаро ҳамкорлик департаменти директори Жонг Ха Ли бошчилигига KISDI кирик илмий ходими Жи Хюн Парк ва тадқиқотчиси Сера Ли ҳамда Ко-рек кирик бизнес институти (KOSBI) илмий ходими Жесунг Жеймс ва Глобал жамғармаси (GEF) раҳбари Дериқ Ким Парқдан иборат меҳмонлар ташриф буориши.

Улар филиал профессор-ўқитувчилари ва талабаларига стартап ташаббуслари, инновацион гоялар ва уларни амалга ошириш учун бизнес режалар ишлаб чиқиб бўйича семинар ўтказиши. Иштирокчилар мөхмонардан ўзларини қизиқтирган саволларга қониқарли жавоблар олдилар.

Бу каби стартап ташаббуслари марказларини нафақат Тошкентда, балки Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида йўлга қўйиш режалаштирилган.

**Олимжон ЯЛҒАШЕВ,  
илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича  
директор ўринбосари**

# ХАЛҚ АВТОПОРТРЕТИ

## Ўз тилингда хотиқ бўлмасанг, ўзга тилда сайдай олмайсан

**А**ҳмад Фарғоний номидаги Фарғона вилоят ахборот-кутубхона марказида ўзбек тилини давлат тили мақоми берилганинг 29 йиллигига багишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда иштирок этган ёшлар сўзи нондек азиз олималар – Фарғона давлат университети ўқитувчилари – филология фанлари бўйича фалсафа доктори СурайёFaфурова ҳамда “Тилшунослик” кафедраси доценти Наризон Умаровуларнинг маърузаларини тинглаши.

Нотиклар ўзбек тилинг асосчиси буюк шоир, мутафаккир ва давлат арбоби Алишер

Навоийнинг 26 минг сўз кўллаб тилимиз имкониятларини намоён этгани, унинг таъсирига кўра Ҳусайн Бойқаро ўзбек тилини кўлланиши доирасини кенгайтириш, давлат ишлари ва ёрликларини ўзбек тилида ёзишга фармон бергани, “Муҳокамат ул-лугатайн” асари мавзударига алоҳига тўхтадилар. Маърузаларда ёшларнинг она тилига бўлган ҳурмат-эҳтиромини ошириш, бу бебаҳо хазинани асрар-авайлаш кўникмаларини ҳосил қилиш, улар орасида китоб мутолаасини кучайтириш жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси учун ҳам қарз, ҳам фарзлигини таъкидладилар.

Шу ўринда Чингиз Айтматовнинг “Тил – халқ автопортретидир” деган теран образли фикри ёдга тушади. Зотан, тилимиз кўз қорачигидек асрашга, соғлиғига саклашга муҳтоҷ ёзилни ҳаммамизга аён ачиқ ҳақиқат. Ахир, ватанпарварлик тўйғуси ҳам давлат тилига эҳтиром тушунчалари билан ўйнунлашиб кетган.

Тадбирда вилоят ҳокимилигининг “Фарғона ҳақиқати” газетаси бўлим мудири Мъямура Абдураҳимова ўз тилида равон ёза олмайдиган, чиройли гапириши билмайдиган ёшлар ҳаётидан айрим таассуфли воқеалар, она тилини англашнинг

аҳамияти, кўчалардаги рекламалардаги имловий хатолар камаймаётгани, аксинча, авж олаётгани, дўконлар, фирмалар чет тилида номланамётгани тилимиз соғлиғига зарар етсангаётгани ҳақида куйинни гапирган бўлса, “Фарғона” наширёти раҳбари Назиржон Ҳошимов, мустабид тузум даврида тилимиз бошидан кечирган зуумлар, талотўплар, оғриқларни тилга олди.

Учрашувда тилимиз латофатини ҳис этиш, бойитиш, такомиллаштириш, ахборот технологиялари, интернет тилида дарајасига кўтариш масалаларида ҳам сўз борди.

## БУЮК АДИБНИ ЁД ЭТИБ



■ Суратларда: Пиримқул Қодиров таваллудининг 90 ўйлигига багишланган тадбирдан лавҳалар



**В**илоят ахборот-кутубхона марказида ташкиллаштирилган Ўзбекистон ҳаљ ўзувчиси Пиримқул Қодиров таваллудининг 90 йиллигига багишланган маънавий-маърифий тадбир ҳам тассуротларга бой бўлди. Тадбирда маъруза қылган Фарғона давлат университети

ўқитувчиси, филологи фанлари доктори, профессор, шоир Сиддик Мўмин Пиримқул Қодировнинг таржима ҳоли, “Юлдузлар тунлар”, “Тил ва эл” асарлари, таржимонлик, давлат ва жамоат арбоби сифатидаги фаолияти ҳақида мұфасал сўзлаб берди. Нотик маърузасида адиб

билан ҳамсуҳбат бўлиш баҳтига мусассар бўлгани, шикаста ва хокисор инсоннинг бадиий ижод билан илмий фаолиятнинг кўшиб олиб боргани тўғрисида қизиқарли маълумотлар келтириди.

“Водил илҳомлари” тўғараги раҳбари шоира Наргиз Ортиковнинг кенг қамрови мулҳозалари тадбирга ўзгача кўтариликлари багишлади. Ўзувчининг асарлари инсон руҳиятини тарбиялашдаги, ҳаёлий дунёсини ранг-баранглаштиришдаги ўрни, “Авлодлар давони” ҳамда “Жон ширин” ҳикояси, мазкур ҳикоя асосида ишланган видеофильмдан олган тассуротларини ҳам баҳам кўрди.

Мулоқотларда фаол қатнашган Фарғона политехника институти талабалари Расулжон Ҳамидов ва Амирилдин Акбариевларга міннатдорлик билдирилди.

Хафиза САЛЯХОВА,  
“Хабар”нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

### ТАТУ ФИЛИАЛЛАРИДА

## УСТОЗ-ШОГИРД АНЪНАСИ Ўқитувчилар алоқа корхоналарига мастер-класслар ўтказишмокда

ТАТУ Самарқанд филиалинг “Телекоммуникация инжиниринги” кафедраси катта ўқитувчиси Зулфиya Рӯзиева “Ўз-Самарқанд” филиалининг 235-АТС биносида устоз-шогирд анънасига кўра телекоммуникация тармоқларининг электр тъминоти ва климотехника фанидан мастер-класс ўтказди.

“Тармоқларни электр тъминоти” мавzuидаги ушбу очиқ дарсда телекоммуникация технологиялари йўналишининг 2-босқич талабалар билан биргаликда автомат телефон стансияси электр тармоқларидаги захири манбалари, рақамили курилмалар, узатиш тизимлари, кабелларнинг кўлланилиши ва вазифалари тўлиқ ўрганилди. АТС бошлиги Фанишер Розиқов раҳбарлигидаги стансия мутахассислари билан

талабалар ўртасида телекоммуникация соҳасининг йўналишлари, электр тъминотлари маълумотлари соҳасида савол-жавоблар асосида мулоқот бўлиб ўтди. Ўз навбатида, талабалар аудитория тармоқларидаги олган назарий билимларини амалий тажрибадан ўтказиши.

Шу куни талабалар ракамили автомат телефон стансияси, линия-кабел хўзалиги ва электр ускуналаридаги носозликлар, уларнинг қайси турга мансуб эканлиги ҳамда носозликларни тез ва соҳа-тарафа этиш ўйлари тўғрисидаги маълумотларни катта қизиқици билан ўшитдилар.

Соҳа корхоналарига бундай амалиёт дарсларининг ўтказилиши талабаларнинг чукур билим эгаллашига янада кўпроқ имкониятлар беради.

## O'zLiDeP ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИГА КЕЛДИ

ТАТУ Самарқанд филиалида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясиning “Ватан тараққиётни учун барчамиз бирдек масъулмиз!” мавзуида давра сұхбати бўлиб ўтди. Унда O'zLiDeP Самарқанд вилояти кенгаши бўлим бошлиги Қодир Шоимов бошчилигидаги партия вакиллари иштирок этиши.

Давра сұхбати Қодир Шоимов 2003 йилдан буён фаолият кўрсататтган Ўзбекистон Либерал-демократик партиясиning дастури билан йигилганиларни қисқача танишишиди. Мамлакатни модернизациялаш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, эркин иқтисодиётни қарор топтириш, қишиларини шакллантириш, ўз қадримматини англеш туйғусини ўйғотиш каби йўналишларда белgilab олинган вазифалар рўёби бўйича амалга оширилаётган ишларни көлгуси вазифалар хусусида сўз юритди.

Партия томонидан Аёллар қонотининг мақсад ва вазифалари, “Оилави тадбиркорликдан мустаҳкам оиласа”, “Софлом оила – мустаҳкам оила”, “Аёллар – инновацион ривожланиш тарафдори” каби лойихалар, шу билан бирга, “Ишбилармон аёл” кўриктанлови, “Етакчи қизлар” клуби ташкил этилганлиги қатнашчилар, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг партия фаолиятига бўлган қизиқишиларини ошириди.



Абдуғафур ҲОТАМОВ,  
ТАТУ Самарқанд филиали матбуот котиби

# ЭЛЕКТРОН РЕСУРСЛАР

## ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИНГ АСОСИЙ МАНБАРИГА АЙЛАНМОҚДА

**Б**угун мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқаруви, ижтимоидёт тармоқлаши, ижтимоий соҳа ва кундаклик ҳаёта изчил жорий этиш бўйича кент кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айтиш мумкинни, ҳар бир юрточимиз бевосита ёки билвосита ахборот технологияларининг фаол фойдаланувчисига айланган.

Йилдан-йилга электрон ресурслар ахборот фойдаланувчилари асосий манбани айланайти, интернет ресурслари ва фойдаланувчилари сони ошиб бораётгани олдимизга ахоли мағбаатлари, ёшларимиз таълим-тарбияси, интеллектуал салоҳиятингин юксалишига хизмат қиласдан, юртимизда ҳар соҳада эришилаётган ютуқларни тезкор намойиш этадиган веб-ресурсларни аниқлаш, уларни қўллаб-куватлаш, оммалаштириш вазифасини қўймоқда. Чунки ахборот-ком-

муникация технологиялари ривожланган асрда ахборот сиёсати маданияти ривожланишининг асосий маркази ҳисобланади.

Мустақиллик йилларida жамиятимизда кутубхоналарнинг ўрни тубдан ўзгарди. Улар фаолиятига инновацион ишламалар, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишнинг янги шакл ва услублари жорий этилди. Ахоли, айниқса, ёшларнинг китобга қизиқишини ошириши, мутола маданиятини юксалтириш, ахборот-кутубхона марказлари фаолиятини янада таомиллаштириш, соҳага илгор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш борасида кент кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Кутубхоналарда китоб фондини мунтазам янгилаш ва бойитиш, илмий-маърифий, бадий адабиётларнинг электрон шаклларини яратиш, тезкор ва сифатли ахборот-кутуб-

хона хизмати кўрсатишини яхшилашга алоҳида эътибор қартилаётir. Бир сўз билан айттанди, ахолининг интеллектуал, маънави ва маданий дараражасини юксалтиришида АКМлар аҳамияти тобора ортмоқда.

Кўплаб босма асарлар ишлаб чиқаришнинг бекисс даражада ўсиши кутубхоналар олдига кўп ҳаждаги нашрларни танлаш, саралаш ва сақлаш, компютерлар воситасида излаб топши ве тезда китобхонга етказиш масалаларини кўндаланг қўяди. Замонавий техника кутубхоначини қўл меҳнатидан озод этиб, уни асосий вазифаси – китобхонлар билан маданий-тарбиявий ишлар олиб боришига кўпроқ вақт ажратишга имкон яратмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш қонунларда қайд этилганидек, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги

худуд ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, уни тарқатиш худуди ва эркинликнинг ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишининг мумкин шарти ҳисобланади. Ушбу мақсадларни ҳамда кутубхона ишида фойдаланувчиларга ахборот-коммуникация технологияларни орқали сифатли хизмат кўрсатиши билан борлиг устуворизларни амалга ошириш ва миллий электрон ресурсларни шакллантириш, улардан кент фойдаланушим имкониятини яратиш мақсадида ишлаб чиқилиган қонунлар мамлакатимизда ахборот-кутубхона фаолиятининг ҳудудий асосларини ривожлантиришга хизмат қиласди.

**Найма ХОЈМАТОВА,**  
“Турон”АКМ  
foydalananuvchilariga xizmat  
kўrsatish bўlimi hodim

ХУҚУҚ

# КОРРУПЦИЯ

## БУ ИММАТНИ ДАФ ҚУЛИШ УЧУН ЖАМИЯТДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ АСОСИЙ МАСАЛА БЎЛШИ ЛОЗИМ

**И**нсонни қийин ахволи га туширадиган, руҳан эззидиган ҳолатлар ичидаги энг оғирি адолатсизликдир, десак хато бўлмаса керак. Унинг бир илдизи коррупция билан бөглиг бўлиб, бу шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий мағбаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг мағбаатларни қўзлаб маддий наф олиш мақсадидан қонунга хилоф рашида шаҳарни қонунга хилоф рашида тақдим этишида ифодаланади.

2017 йил 4 январдан Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураши таъмниланиши учун 2017 йил 2 февральда давлатимиз раҳбарининг “Коррупцияга қарши ку-

рашиш таърисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари таърисида”ни қарори қабул қилинди.

Жамиятда коррупцияга нисбатан муросасизликни қарор топтириш ўтга долзар мосаладир. Ҳар биримиз қаёрга қандай муаммога дуч келсан, унинг ҳал этилишида маъсул шахсларнинг маъсултасизликка, адолатсизликка нисбатан муросасизликни ўзимиздан бошлишимиз даркор. Шунда мурдаётган мансабдор ўйғонади, зиммасида қандай маъсуллият болгирингни ҳис этади.

“Коррупцияга қарши курашиш таърисида”ги қонунда фуқароларимизнинг бу борадаги ҳуқуқларни қофалатланган. Қонунга кўра, жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар факталарига доир ҳуқуқбузарликлар таъмниланиши таъминланади.

Коррупцияга қарши кураш бу жуда мураккаб ва бутун бир тадбирлар дастуридан келиб чиқадиган жараёндир. Кўпчилик ишонганидек, пораҳўрликка қарши иш ҳақиқи ва маошларни ошириб қўйиш билангина курашиб бўлмайди. Барча мансабдорлар маошини кўтариб қўйишни улар пора олмайди, дегани

эмас. Гарчи, ваколатли амалдорларнинг молиявий ахволи мумкин аҳамиятга эга бўлса-да. Чунки, ўз мағбаати йўлида ҳеч нарсалан тан тортмайдиган, нафси ҳакалак отиб кетиш хавфи мавжуд бўлади. Бу иллатни даф қулиш учун жамиятда қонун устуворлиги асосий масала бўлиши лозим.

Аввало, давлат ҳокимиётитизимларининг иш фаолияти шаффо бўлиши керак ҳамда бу шаффо ғилем жамоатчилик ва ОАВ томонидан назорат қилиб бориши лозим. ОАВ фуқаролар ҳуқуқларини шарҳлаб бориши ва жамиятда ҳуқуқий саводхонлик дарајаси юксалишига ёрдам берувчи мустақил ҳокимиёт манбани бўлиши айни муддо. Коррупцияга қарши курашишда давлат хизматини бажарувчи кадрларни танлаш жараёни ҳам мумкин аҳамиятни касб этади. Айни вақтда республика мизда мана шу вазифалар самарали амалга оширилмоқда.

Ахолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини кучайтириш, жамоатчиликнинг коррупцияга қарши муросасизлик кайфиятини шакллантириш ҳамда ижро ҳокимиётни органлари фаолиятининг таъминлаш учун шарт-шароити яратиш, қолаверса, фуқаролик жамияти институтлари томонидан жамоатчилик назоратини кучайтириш каби саъӣ-ҳаракатлар ҳам

коррупцияга қарши курашиш чораларининг ажралмас қисмига айланиш керак.

Ўтказилган тадқиқотлар юртошларимиз давлат, ҳуқуқтартибот бошқаруви ва назорат органлари коррупциянинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиша жамият ва унинг фуқаролик институтлари билан яхин ҳамкорлиқда, ушбу институтларнинг фаол ва бевосита қўллаб-куватлаш билинган юқори самарата эришиш мумкинligини кўрсатмоқда.

Бу иллатни ғурчишига яна бир сабаб, фуқароларимизнинг ҳуқуқий билимни саёслиги, ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмаслиги сабабли пора беришига рози бўлишидир. Бундан келиб чиқиб айтадиган бўлсан, ахолининг ҳуқуқий маданиятини ёшлидан шакллантириб бориши ушбу иллатта қарши курашиша мумхид.

Кувонарлиси, сўнти пайтларда ноқонуний хатти-ҳаракатлардан воз кечиб, ўз муаммоларини қонуний йўл билан ҳал этишини мазуқларни кўрэтидан фуқаролар сони тобора ортиб бормоқда. Бу ҳалқ қабулхоналари, давлат идораларининг ҳалқ билан тўғридан-тўғри мудоқотлари жараёнида намоён бўляпти.

**Қобилжон АНАРБАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
харбий прокуратураси  
бўлим бошлиғи,  
адлия майори



## САНКТ-ПЕТЕРБУРГСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ПРЕДЛАГАЕТ СОТРУДНИЧЕСТВО УЗБЕКИСТАНУ

Делегация хокимията Ташкента посетила Санкт-Петербургский Национальный исследовательский университет информационных технологий, механики и оптики (ИТМО), сообщает пресс-служба хокимията города Ташкента.

На встрече обсуждались вопросы сотрудничества между ИТМО и Ташкентским университетом информационных технологий. Заместитель хокима Ташкента Элбек Шукуров рассказал о сфере образования нашей страны, технических вузах узбекской столицы, об информационных технологиях.

Российская сторона, в свою очередь, презентовала сильные стороны своего университета.

«Наша основная цель — наладить сотрудничество именино с Узбекистаном, сделать его более активным», — говорит начальник управления международного сотрудничества университета ИТМО Ирина Ким. — Мы проводим международные олимпиады по математике и информатике, по отбору талантливой молодежи по всему миру. Олимпиады охватывают около 3-4 тысяч школьников, в них принимают участие

многие школьники из Узбекистана и входят в число победителей и

призеров олимпиад».

На встрече отмечали, что победители олимпиад получают право на бесплатное обучение в университете ИТМО. В этом году четверо выпускников узбекских школ получили квоту на бесплатное обучение.

«Кроме того, мы хотим наладить сотрудничество с университетом информационных технологий Узбекистана в сфере спортивного программирования для подготовки команд к финалу Чемпионата мира по программированию, а также проведения летних школ, краткосрочных тренингов» — говорит Ирина Ким.



### БИТВА РОБОТОВ

#### КАК ПРОШЕЛ ПЕРВЫЙ В УЗБЕКИСТАНЕ ЧЕМПИОНАТ ПО РОБОТОТЕХНИКЕ

Впервые в Узбекистане состоялся Международный чемпионат по робототехнике (International Robotics Challenge) в рамках инновационной недели InnoWeek. Организаторы чемпионата — Министерство инновационного развития Республики Узбекистан, Научно-практический центр внедрения инновационных разработок и Союз молодежи Узбекистана.

Если говорить языком цифр, на соревновании участвовали 24 зарубежные и 40 местных команд из 6 стран и около 200 участников.



Заявки для участия на чемпионате принимались в режиме онлайн через сайт [www.innoweek.uz](http://www.innoweek.uz) с 25 сентября до 10 октября. Среди более чем 200 заявок, поступивших в течение 15 дней от кандидатов из Казахстана, Киргизии, Таджикистана, Афганистана, США и России были отобраны 70 молодых людей и специалистов. Честь Узбекистана защищали школа робототехники Robokidz, Artel technic school, Polito School NTM, TIE School NTM, а также команда Туринского политехнического университета.



Соревнования проводились по 6 категориям в двух возрастных группах: 9-16 лет и 16-25 лет.

В общекомандном зачете победила команда Узбекистана.

Помимо знаменитых состязаний Сумо в обеих возрастных группах проводились соревнования и среди роботов, созданных местными конструкторами. Участники до 16 лет состоялись на конструкторах JuniorE предприятия IntTech, а старшие участники — на конструкторах Technobot инновационного центра «Автосаноат».

В рамках чемпионата 25 октября состоялся пресс-брифинг в Молодежном пресс-центре с участием зарубежных экспертов робототехники. Кроме того, подписан Меморандум о взаимопонимании между Научно-практическим центром внедрения инновационных разработок при Министерстве инноваций и Казахстанской федерацией образовательной и спортивной робототехники «Казроботикс».

Победители всех направлений были награждены дипломами и памятными подарками Министерства инновационного развития в рамках церемонии закрытия недели InnoWeek.

### КОНКУРС

## КРУПНЕЙШИЙ НАЦИОНАЛЬНЫЙ КОНКУРС ИННОВАЦИОННЫХ ИТ-ПРОЕКТОВ ПРОЙДЕТ В УЗБЕКИСТАНЕ В НАЧАЛЕ ДЕКАБРЯ

1-2 декабря в городе Ташкенте пройдет ежегодный конкурс по разработке приложений, сервисов и решений с использованием открытых данных — Open Data Challenge 2018.

Open Data Challenge — это крупнейший национальный конкурс инновационных ИТ-проектов. В нем команды программистов, дизайнеров и журналистов соревнуются в быстрой разработке продуктов на основе открытых государственных данных, которые будут способствовать решению

проблем нашего общества и сделают жизнь в Узбекистане удобнее и интереснее.

Решения, основанные на открытых данных несут значительную социальную пользу, повышают эффективность и прозрачность работы власти.

Участие в Open Data Challenge откроет потрясающие возможности — получить оценку проекта экспертным сообществом и необходимую помощь для развития проекта, а также получить ценные советы менторов и понять особен-

### OpenData CHALLENGE

ности создания бизнеса на открытиях данных.

И, конечно, это самый быстрый путь к созданию полноценного продукта!

Участие в конкурсе Open Data Challenge станет новым этапом развития вашего проекта. Это возможность и мотивация делать действительно что-то полезное и нужное.

Помимо разработки проектов, в рамках Open Data Challenge 30 ноября состоится конференция с участием международных экспертов и встречи с участниками конкурса в целях ознакомления с положением конкурса и презентациями тренингов, а также проведение тренинга по открытым данным и разработке приложений.



Хитой фалсафасига кўра, инсон вақтни яратиши мумкин экан. Кимнингдир "Вақтим йўқ", "Иложсизман" дейиши, аслида "Мен буни хоҳламаяпман" дегани. Вақт — бу ҳаётдаги бор-будимиз. Боиси, ҳеч нимасиз қолган одамнинг ҳам ҳали вақти бўлади.

**X**аётни муносиб яшаш истагида бўлган инсондан талаб қилинадиган кўнгилмалардан бири — вақтни тўғри тақсимлай олиш фазилати. Вақтнинг нотўғри тақсимланиши ишда ва ҳаётда кўзланган мақсадга эришиш учун тўсик.

Бахта қарши сўнгти йилларда вақт ажратиш лозим бўлган ишлар сони мунтазам ортиб бормоқда. Ҳар биримизда вақт машинасининг борлиги, унинг ёрдамида кимдир хотиралар билан ўтмишга, кимдир эса орузлар билан келажакка саёҳт қилишини қаерладир ўқиган элим.

Ҳаётдаги мухим ҳақиқатлардан бири шуки, вақт — буюк тарози. Ким бўлишингиз ва ёшингиз, даромаднинг ва эътиқоднингиздан қатби назар вақтнинг чегаралган. Шу боис, ҳаётда қанча вақтнинг борлиги эмас, уни қандай сарфлашнинг аҳамияти юқори.

Модомики, мақсалда эришишга жиддий кириштан бўлсантиз, уларни нафқат тўғри белгилаб олиш, балки сизни бу йўлдан чалгитувчи омиллар ва одатлардан воз кечишига ҳам тўғри келади. Қандай қилиб? Бунинг учун вақтни тўғри тақсимлашга хизмат қиласидан муносиб тизимиш ишлаб чиқиш ва унга амал қиласи лозим.

**Вақтни қандай қилиб самарали тақсимлаш мумкин?**


Зарур ишнинг керакли вақтда қилинмаслиги — муввафқият сизликининг бош сабаби. Жуда банд одам ҳам вақтни тақсимлашда дононлик қиласа, мувознатни сақлаши, саломатлиги ёки ҳаётини ҳимоя қиласи мумкин.

Ҳаёт ҳамда вақт ўргасидаги мувознатат бузилса, одам туш-куниларга тушади. Гарчи, сизда ўз визифантизни самарали бажариши имкони бўлса ҳам, мувознататсиз одам охир-оқибат танзулга юз тутади.

Бизга берилган 24 соат оила ва фарзандлар, ота-она, турмуш ўртоги, касбий ҳамда шахсий қизиқишиларимиз ўртасидаги тенг тақсимланиши лозим. Мисол учун, ёхбонда ёлзиз ёвв юриш, севимли мусиқани тинглаш ёки севимли машгул учун вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ. Тўғри, вақтимиз чегаралган, бироқ муносиб яшалса, шу ҳам қиласи.

Кўйила вақтни тўғри тақсимлаш борасида тавсияларни бормоқдимиз. Тўғри, булар нисбий ва умумий, ҳар ким унга кўра ўзининг шахсий вақт тақсимоти тизимиши ишлаб чиқши мумкин.

# ВАҚТНИ МУНОСИБ ТАҚСИМЛАШ — МАРРАНИНГ ЯРМИ



## Вақтнингизни 7 кунга тақсимланг

Каршингизда турган етти кун ёки бир ойда нималарга ултуриши керак? Кундулар еки смартфонингизга 30 дақиқа, 1 соатлик қисмлардан иборат резекаларни белгилаб олинг. Сўнг ҳар кун якунда бу бўливлардаги визифаларнинг натижасини ёзинг. Визифаларни "керак" ёки "нокерак" томоғлар бўйича белгилаб оланлар.

Катта ҳафсала керак тўғрими? Биз одатда бунга ўрганмаганмиз. Бироқ, муввафқиятли одамлар кейинги 5 дақиқада мина билан машгул бўлишларни белгилаб олар оланлар.

## Тонгни медитация ёки жисмоний машқ билан қарши олинг

Гарчи, вақтни тўғри тақсимлашда дахлор бўлмаса ҳам, тонгти фаоллик кундуларни мувознатат учун айни мудда. Бунинг оқибатида танадаги зарарли моддалар чиқиб кетади, қувватни ўйналтириш, чидам ва бардоши бўлиш ҳамда ақтий-руйх ҳолатда жиддий ўзгаришлар содир бўлади.

## Иш кунини энг мухим вазифалар билан бошланг

Бир вақтлар Марк Твен шундай деган экан: "Бақа ейишга тўғри келса, уни тонгда еганинг матьқул. Агар икки бақадан бирини ейишга тўғри келса, аввал семизини еган матьқул". Бу нима дегани? Мухим ишларни танда куч-ғайрат ва ишлашга хоҳин бор вақтда қилиши лозим. Энг қийин ишни биринчига кўйиш керак. Тонг эса бунинг айни палласи. Натижада, куннинг қолган қисмидаги сиз ижобий ички кайфиятда бўласиди.

## Вазифани тўғри белgilanng

Вазифа тўғри ёки нотўғри белгилаб олинган бўлиши мумкин. Нотўғри мақсал — нишонни хато олиш дегани. Натижада, бехуда вақт ва куч йўқотамиз. Вазифани белгилашдан аввал уни амалга ошириш учун зарур иштиёқда эга эканингизга амин бўлинг.

## "80/20 қоидаси"дан фойдаланинг

Вақтни самарали ташкил этишидаги яна бир тавсия этишидаган қонди "саксонга йигирма" деб аталади. Шунингдек, бу қоида "Парето қонунияти" ҳам дейилади. Унга кўра тахминан 80 фоизи натижага 20 фоизлик сайд-ҳаракат туфайли содир бўлади.

Спортичларнинг фикри билан ифодаланса, галабанинг 80 фоизини мащукларнинг 20 фоизи ҳал қиласи. Яни, турли хиз мащуклардан кўра аҳамиятли машғулотларга вақт ажратиш мақсади мувофиқ. Саводгарлар тилида айтадиган бўлсан, саводнинг 80 фоизи 20 фоиз харидор хиссасига тўғри келади. Ана шу мижозларга диккатни қаратиш — савдо ҳажмини оширади.

Сиз ҳам ҳаётда натижанинг 80 фоизини олиб келадиган сайд-ҳаракатларнинг 20 фоизини аниқлаб олинг. Синчковлик, ички сезги ва таҳлил бунда сизга ёрдам беради.

## Иш жараёнда танаффус қилинг

Олиб борилган илмий кузатишни ва тадқиқот натижаларига кўра, сиз 52 дақиқа ишлаб, 17 дақиқа танаффус қилишиниз керак. Тўғри, бундай дам олиш бироз шоҳона таъвиши мумкин. Бироқ, биз чиндан ҳам танаффусларга мухтожимиз. Натижада, руҳий, ҳиссий ва жисмоний ҳолатимиз ўз меъерида бўлар экан. Бундай танаффусларда жисмоний фаол бўлиши мақсади мувофиқ. Шифокорлар соглом бўлиш учун иш кунидаги 10 минг ҳадам мосафона босишини маслаҳат беринмоқда.

## "Виртуал олам" учун аниқ вақтни белgilanng

Интернет, ижтимоий тармоқ ва мессенжерлар бизнинг диккатимизни чалгитаттандаги вақтнинг зор кетишига сабаб бўлаётган хавфли таъсирига айланбай ултурди. Смартфондан фойдаланиш вақти узайиб, уни қўлга олишнинг оралиги тобора қисқарип бормоқда.

Сиз электрон почта ва мессенжерларни кўздан кечириш учун куннинг муайян вақтини белгилаб олинг. Акс ҳолда, дақиқалар соатларга уланиши ва бу ҳолат иш режасига жиддий зарар етказиши мумкин.

## Хәётингизда туб бурилиш ясайдиган одатларни ривожлантиринг

Журналист Чарлз Дүхигингнинг "Одатнинг кудрати" номли мақоласидаги инсон тақдирида ҳал қуловчи кучга эга бўлган одат ва кўнгилмалар, қизиқишилар бўлишининг ёзди. Бу одат нафақат одамдаги бозу жиҳатларни бирлаштириди, шунингдек, уни ёмон иллат ва ҳаракатлардан ҳам тиши. Кимдир меҳрибон, кимдир мулоҳазали, янга кимдир гайратли, бошқа кимдир сабр-тоқатли.

Эрта ўйонинг, шукур қилинишни унутманг, табассум килинг, соглом овқатларнинг, пулни тежаш ва пул тикишини ўрганинг, сайд қилинг, ёқимли мусиқи тингланг, янги бирор нимани ўрганинг, ташкилотчи бўлинг, доим яхшиликдан умид қилинг.

## Ёмон, зарапли одатлардан воз кечинг

Иллатлар — вақтимизни бехуда сарфлашга сабаб бўладиган омиллар. Электрон ўйинларга мукассидан кетиши, узундан-узок субхатлар ва бошқа зарапли одатларимиз билинар-билинмас ҳаётимизнинг мухим қисмини ўтиришадиган кўяли.

Ҳаётда мақсадга эришишга жиддий киришган инсон бу каби иллатлардан ўзини халос қилиши керак.

## Кечки пайт эртани ишларни ёзиб қўйинг

Кечки мақалда ёки идорани тарк итишдан аввал эртага килинишни лозим бўлган визифаларни қайд итишини унутманг. Бунинг учун кундулар, ҳафтада ойлик мақсад-режаларга диккат қилинг. Улар сари сезги олиб борадиган нафбатдаги қадамни бельтилаб олинг ва эртани иш режасига киритинг. Бу вақтни олади, албатта. Бироқ, вақт ажратини учун азрилди жараён. Унутманг, узоқ муддатли ва катта мақсадларга бинани кундулар олиб боради.

## Севимли машқ ёки хоби учун вақт ажратинг

Кечки пайт ёди кам олиш кунлари оилавий сайрга бориш, тугилган кунларни ва байрамларни, қадрлон саналарни нишонлаш. Сиз ҳам бунга амал қилинг ҳамда вақт ажратинг.

Китоб ўқинг, ўрганинг ва изланинг.

Америкалик ёзувчи Энтони

Роббин шундай деди: "Агар

ҳар куни 1 соат вақтнингизни

бирор соҳага одилмилар

олишга сарфласангиз, бир йил

ўтиб сиз бу борада жаҳондаги

қолган 99,999% мутахассисдан

кўпроқ билимга эга бўласиди".

**Ота-онангиз, фарзандингиз  
ва оиласигизга вақт  
ажратинг**

The Economist наширида

ёзилишича, фарзанд ва ота-она

ўртасида алоқаларнинг мустаҳкамлиги фарзанднинг ўзига

бўлган ишончини ошириб, ота-

онангиз ижобий кайфиятда

юриши учун хизмат қиласи экан.

Қолаверса, фарзанд билан

кўпроқ мuloқотда бўлаши:

- ота-онага фарзанднинг

кучли ва кучисиз жиҳатларни

аниқлаш, муммомларни

билишада ёрдам беради.

Кексаликда ёлғизланни

кољаслик учун ҳозирдан

фарзандингиздан вақтнингизни

қизғонманг.

Бахтиёр оиласидар ўртасида

тадқиқотлар ўтказилганда бир

ҳақиқат аён бўлган: бахти

оиласидар анъянашор кўп экан.

Мисол учун, дастурхон атрофи

да бирга овқатларни, дам олиш

кунлари оилавий сайрга бориш,

туғилган кунларни ва байрамларни, қадрлон саналарни

нишонлаш. Сиз ҳам бунга амал

қилинг ҳамда вақт ажратинг.

**Одамлар учун ҳам вақт  
ажратинг**

Бу дунёда барча одамлар бир-

бирларига даҳидор. Кимнингдир

баҳтсизлиги учун охир-оқибат

биз ҳам масъулмиз. Шу боис,

ён-атроғиниздагат одамларга

бефарқ бўлманг, уларга яхши-

лик қилинг ва ёрдан кўлни чўзинг.

Яни, қиммат вақтнингизни

бизнисни яхшилик ҳам сарф қилинг.

Боштаги машққат тушган,

энг оғир дамда ҳам бошқаларга

яхшилик қиласи оладиган ва


мехр-оқибат кўрсатган одам —

ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам

халоскоридир.

Шуҳрат САТТОРОВ

# МАЪРИФАТМИ ЁКИ ГУММА?



**Ошхона ва дорихоналар соясида қолиб кетаётган матбуот дўконлари**

соҳасидаги сифат менежменти тизими ISO 9001:2015 сертифиқати халқаро стандартларга жавоб беришини тасдиқлайди. Яратилган ва ҳоказо-ҳоказолар бордир. Ҳар қандай ҳаракат ўз ўйлига, лекин очик, тан олишимиз керак, бутунги муштариғга муносабиб ва сифатли хизмат кўрсатишга эриша олганимиз ўйқали.

— Компаниянинг норматив-хуқуқий базасини давр талабига мослаштириш борасидаги фикриниз қандай?

— Айтиб ўтганимдек, соҳага доир тасдиқланган хужжатда деярли 20 йил тўлди. Ушбу давр мобайнида қанчадан-қанча ўзгаришилар бўлиб ўтди. Янги тармоқлар вуужуда келди. Албатта, янги ўкукний хужжатта ёхтисёж бор. Бу хужжат қандай бўлиши керак? У халқаро таҳриба пухта ўрганган ҳолда бўлиши лозим, фақаттина тарқатиш соҳаси билан чекланмасдан, назаримда, нoshirlik соҳаси билан қатъий bogланган ҳолда мукаммал ҳужжат тайёрланмоги керак, деб ўйлайман. Газета ва журнallарнинг тақдири таҳририятнинг "нафолиши"га қанчалик bogлиq бўлса, "Matbuot tarqatuvchi" AKning ҳам тақдирига шунчалик тасдири кучига эта. Бу борада барча таҳририятларни бирга, бир давра атрофидаги йигилиб, ҳалқил тилда айтганда, дўппини бошдан олиб мулҳоза билан ҳамжihatлика ишлашга чорлайман. Соҳада йигилиб қолган масала-

ларни бирма-бир муҳокама қилиб олардик. Бу борада бизда мөъёрий ҳужжат лойиҳаси тайёрланган, муҳокамалар асосида тузатишлар киришиб, ҳукуматта тавсия этсан бўларди.

— 2019 йил учун обуна мавсумини таҳририятларга маъқул келадиган қандай "ярк" этган янгилик билан бошладингиз?

— Кизиқ савол бўлди. Нима учун таҳририятларга "ярк" этадиган? Обуначига эмас? Аслида биз билан сиз биргаликда муштариғга сифатли хизмат қилишимиз керак. Таҳририят информациини топиб, зарур ҳолларда журналистик сурʼиати туриви ёки ўрганишлар олиб бориб материал тайёрлаб нашрни чот эта, биз шунча заҳмати меҳнат билан чиқдан нашрни обуначига ўз вақтида етказишмиз керак. Айнан ўз вақтида етказиш борасида бу йил биринчи маротаба синов тақиасида нашрларни ташучи машиналарга GPS назоратини кўллаш ўйлга кўйилмоқда.

Умуман олганда, Тошкент шаҳрида нашрлар эрта тонгдан ўз манзилига етказилиди, ҳозирча 2018 йил ҳисобидан обуначилардан шикоятлар тушмади. Бироқ, чакана савдо газеталарнинг кеч етказилиши бўйича 233-70-70, 233-78-62 рақами ишонч телефонларнингизга бир неча мурожаатлар бўлди. Бальзида турли сабабларга кўра, масалан, босмахонадан нашрлар кеч чиқиши сабабли ҳам "Matbuot" дўконларига нашр кечроқ бори-

ши мумкин. Лекин, ҳар қандай ҳолатда экспедиторларимиз нашр чиқишини кутади, қабул қилиб олингач нашр сараланиб ўша куниеки киоскага етказади. Сараловчиларимиз асосан кечаси ишлассади, эрталабки 6.30лар атрофидаги машиналар тарқатишга чиқади. Ҳар бир "Matbuot" дўконига кўпили билан 3,5 дақиқагача туташга руҳсат берганмиз. Ушбу вақт давомида экспедиторларимиз "накладной" асосида нашрларни топшириши, ведомост асосида савдо пулини қабул олиши лозим.

— Даврдай нашрларнинг обуначилар кўлига вақтида (ёки умуман) етиб бормаслиги анча эски муаммолардан саналади. Бу борада муштариylar таҳриriятларни айблайди, таҳririyatlar эса сизларга илдао қилишади. Бу муаммонинг очими борми ўзи?

— Назаримда сұхбатимизнинг энг оғирли ғадоб да золарб қысмiga келдик. Икки томонни бир-бира тайиблар ёки илдао қилишига сабаб яқиндан ҳамкорлик қылмаслиги, деб ўйлайман. Бир йил олдин, гарчи бошқа соҳада ишласам-да, мен ҳам журналист сифатида худди таҳририятлардек позицияда эдим. Яъни, ўкувчининг камайишига ҳам, нашрлар нарихини қимматлашишига ҳам, обуначига ўз вақтида етиб бормаслигига ҳам тарқатувчilar айблор, деб ҳисоблардим. Аслида соҳанинг ич-ичига кириб борсангиз жуда кўп омиллар борлигига гувоҳ бўларканлиз. Таҳририят тарқатувчи биргаликда деярли битта бир "бутун ишни" амалга оширишда иккакаси иккаки кутбда сарсонгарчиликка юраркан, деган хулоса келдим. Боглиқ муаммоларимиз жуда кўп бўлса-да, бирга ўтириб очим ишлаб чиқиши ўрнига ҳар ким ўзича очим қидиришти ўринмокда. Биргина тарқатиш борасидаги 418-қарорга ҳам деярли 20 йил бўлди. Савол туғилиди: ушбу хужжат қанчалик бугунги кун талабини қаноатлантириди, қолаверса, ўша мавжуд қарорга ҳам қанчалик амал қилинмоқда? Бугун бору эртага йўқ "тарқатувчи корчалонлар"нинг эркин фаoliyati олиб боришиларига, натижада қанчадан-қанча обуначиларнинг ишончини йўқотётганимизга ҳам асосий сабаб бир стод атрофидаги йигилиб, ҳамкорлик қылмаслик-



Бу йил биринчи маротаба синов тақиасида нашрларни ташучи машиналарга GPS назоратини қўллаш ўйлга қўйилмоқда.

◀ 1-бет.

“Газета ва журнallар-нинг тақдири таҳриriятнинг “нафас олиши”га қанчалик бўлса, “Matbuot” от тарқатувчи” АКning ҳам тақдирига шунчалик таъсир кучига эга.”

дан деган фикрдаман.

Тарқатувчидан ёки таҳриридан бир бор кўнгли советиган муштариини яна газетхонликка қайтишиш қанчалик қийин бўлишини ҳаммамиз яхши биламиш. Яна тақорор айтаман, соҳани тўлиқ қамраб олган мукаммал қарор лойиҳасини тайёрлаб ҳукуматга тақдим этишимиз керак. Ушбу ҳужжатда нашр қилишдан тортиб тарқатишгача бўлған жараён тўлиқ акс этиши лозим. Бу билан лицензиялаш, тарқатувчига талабларни кўпайтириш керак демокримасман, масъулнинг ошириш, тизимили тармоққа янада кенгроқ шароити яратиб шаффофастиришимиз, бу борада хориж тажрибасини ҳам пухта ўрганиши миз керак. Ҳозир битта нашр бир неча ташкилот (нашр)дан бир битта маҳсулот (нашр)дан бир неча бор солиқ тўлмандоқда. Умуман, бу борада ўрганишлар, изланишлар ва ҳатто ҳомаки қарор лойиҳалари, бошқа лойиҳалар ҳам тайёрланган, бироқ уни мукаммалластириш учун, янада ҳаётлийластириш учун ҳамжигъатлиқда ишлаш бутунги замон талаби.

— Ҳусусий матбуот тарқатувчилар ҳам кўпайб қолган. Уларнинг фаолиятига қандай баҳо берасиз? Улар билан рақобатда қандай устуликлар ёки заифликлар эгасизлар?

— Бу борада дунё тажрибасини ҳам кўпайб қолдик. Масалан, Канада, АҚШ ва бошқа бир қатор давлатларда нашрлар асосан обуна орқали етказиларкан. Нашрнинг 55-60 фоиз ганнархи логистика (тарқатувчи) ҳаҷратларини ташкил этаркан. Германия, Англия ва аксар Европа давлатларида нашрни мансизлга етказишда ҳаражатни бўлганлиги сабабли обуна кам ҳолларда қилинib, нашрлар асосан чакони савдо орқали тарқатиларкан.

Энди узоққа бормайлик, якин қўшниларимизда ҳам шу ҳолат, обуна кескин тушиб кетганингни кўриш мумкин. Биз ҳам ёнилиг-мойлаш материаллари қимматлашганда ёки шунга ўхшаш ҳолларда нархлар ошиб кетишидан чўчиб турамиз. Негаки, обуначига йилнинг ўртасида, нархлар ошиди, дея олмаймиз, фойдами-зарарми фарқи йўқ — обуначига ўша эски нархда етказамиз. Умуман, таҳририят нархи қанча бўлса унга фоиз ҳисобида устамиа қўйлади. Йилдан-йилга фоизлар туширилиб келинган, ҳозирда минимал ҳолатга келтирилган, бундан ортиқ фоиз туширилиши ҳаҷратларни ҳеч қанақасига қопламайди.

— Пойтахтимизда даврий нашрларни эгаларига етказиб бериш учун моддий-техник базаси

қай ҳолатда? Вилоятлардаги шўъба корхоналар фаолияти сизни қониқтиридими?

— Тошкент шаҳрида тарқатишда бироз камчилликлар бўлса-да, анчагина тизимга солинган дейишим мумкин, лекин вилоятларда жиддий муаммолар бор. Бошқарувни тўғри йўлга қўйиб, ишни рисоладагиек ташкил этган вилоят шўъба корхоналаримиз, МЧЖларимиз ҳам бор, бироқ ҳамма жойда ҳам иш бирдай эмас. Камчилликлар, хатоликлар бўйича ишлайпмиз, тўғри йўлдан юришини хоҳламайдиганларга ҳуқуқий чора кўриш бора-сида мурожаат қилишимизга мажбур бўлган ҳолатларимиз ҳам бор. Умуман олганда, обуначни рози қилиб ишлаш даражасига эришиш учун ҳали олдимизда анча ишлар бор.

— Газета ва журнallарга обуначиларнинг кўпайиши албатта уларнинг таннархига бевосита боғлиқ. Таҳририятлар доим сизларни нашрлар баҳосини ошириб юбориша айблашади. Бу баҳсни қандай изоҳлайдиз? Юкоридаги саволимизда “таҳририятлар учун ярк” этган янгилик “сўраганимда шуни назарда туттандим”.

— Бу борада дунё тажрибасини ҳам кўпайб қолдик. Масалан, Канада, АҚШ ва бошқа бир қатор давлатларда нашрлар асосан обуна орқали етказиларкан. Нашрнинг 55-60 фоиз ганнархи логистика (тарқатувчи) ҳаҷратларини ташкил этаркан. Германия, Англия ва аксар Европа давлатларида нашрни мансизлга етказишда ҳаражатни бўлганлиги сабабли обуна кам ҳолларда қилинib, нашрлар асосан чакони савдо орқали тарқатиларкан.

Энди узоққа бормайлик, якин қўшниларимизда ҳам шу ҳолат, обуна кескин тушиб кетганингни кўриш мумкин. Биз ҳам ёнилиг-мойлаш материаллари қимматлашганда ёки шунга ўхшаш ҳолларда нархлар ошиб кетишидан чўчиб турамиз. Негаки, обуначига йилнинг ўртасида, нархлар ошиди, дея олмаймиз, фойдами-зарарми фарқи йўқ — обуначига ўша эски нархда етказамиз. Йигилишларимизга таҳририят вакилларни ҳам ҳақириб фикр алмашилади. Буларнинг барчиси газетхонларни саклаб қолиш мақсадида қилинаётган ишлар. Имкон қадар ҳар бир киоск билан индивидуал ишлashing ҳаракат қилинади. Якинда шаҳар марказидаги киоскамизда савдо ҳажми тушиб кетди, кейин ушбу ҳодимни олиб бошқа жойга қўйдик ва ёш коллеж битирүчисини ўша қиоскага ишга кўйдик, биласизми, ёфаси бўлса-да (ёз бизда савдо тушиб кетадиган давр ҳисобланади) савдо ҳажми илгариги даврга нисбатан 2,5, баробар кўтарилди. Савдони олтин қоидаси бу мумомала мадданийти, савдонинг ҳар қандай турда амал қилинишининг исботи бу. Шоли курмаксиз бўлмаганидек, кадрлар борасида ҳам масалалар кўпигина.

— Бу савол кеинига пайтларда жуда кўп янграбоқда. Худди ТВ пайдо бўлганда радионингнинг умри қисқарди, дегандек. Аксинча, радио охирги 20-30 йилда ривожланишининг янги босқичига чиқди дейишишим мумкин. Газетанинг ҳам, китобнинг ҳам инсон ҳәтида ўз ўрни бор. Шу савол мени жуда кўп бора ўлантирганинг учун ҳам ўтган йиди ушбу даргоҳда иш бошлаганимдинг илк даврида ёки киоск сотовчилари орасида газетхонларнинг ёши, ҳаридоригар нашрларнинг тури борасида сўровнома ўтказдик. Йил охирита бориб яна бор бор сўровнома ўтказдик. Умумий газетхонларнинг 60-65 фоизини 45 ўндан катта бўлган газетхонлар ташкил эти. Йил бошидаги газетхонларнинг умумий сонини қараганимизда, йил охирда 1,5-1,8 фоиз камайиш кузатиди. Лекин, ихтимойисий ёки нашрларга нисбатан табаб ёшлар орасида ҳам, катта ёш вакиллари орасида ҳам ортганлигига гувоҳ бўлниди. Умуман, муштариylар сафини ошириш борасида тажрибалар ишларни мустаълиятли ва шарафли хизматларида соғлик, омонлик, ижодий баркамоллик тилайман.

